

ITALY

**ONLINE
CONFERENCE**



**"FORMATION OF PSYCHOLOGY
AND PEDAGOGY AS
INTERDISCIPLINARY SCIENCES"**

INTERNATIONAL SCIENTIFIC-ONLINE

CONFERENCE

WWW.INTERONCONF.ORG

ISBN 978-955-3605-86-4

© Sp. z o. o. "CAN", 2022

© Authors, 2022

FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES: a collection scientific works of the International scientific conference (**13 December 2022**). Part 14 – 161p.

Chief editor: Candra zonyfar- PhD Universitas Buana Perjuangan Karawang, Indonesia
Sunmoon University, South Korea.

Editorial board:

Tone Roald, PhD Associate Professor of Psychology University of Copenhagen

Elin Eriksen Ødegaard, Professor, Western Norway University of Applied Sciences

Mariane Hedegaard, Professor Emerita, Copenhagen University, Denmark

Magnus Englander, PhD Associate Professor of Psychology Malmo University, Sweden

Paul Sullivan, PhD University of Bradford Bradford, United Kingdom

Mathias TraczykSøren, PhD

Thiesen Amanda, PhD

Nybroe Rohde, PhD

Languages of publication: Italy, dansk, English, русский, беларуская, limba română, uzbek,

The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and students who participated International Scientific Conference "**FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES**".

Gli atti della conferenza sono raccomandati per scienziati e insegnanti negli istituti di istruzione superiore. Possono essere utilizzati nell'istruzione, compreso il processo di insegnamento post-laurea, la preparazione per l'ottenimento di diplomi di laurea e master. La revisione di tutti gli articoli è stata effettuata da esperti, i materiali sono protetti dal diritto d'autore degli autori. Gli autori sono responsabili dei contenuti, dei risultati delle ricerche e degli errori.



TABLE OF CONTENTS	
Ziyovuddinova Ziyoda Ziyovuddin qizi <i>QARILIK DAVRIDA YUZAGA KELADIGAN PSIXOLOGIK VA FIZIOLOGIK O'ZGARISHLAR</i>	6
Jamoliddinova Nigora Tohirjon qizi <i>O'QITUVCHINING KASBIY RIVOJLANISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI</i>	11
Majidov Anvarxon Mahmudxon o'g'li <i>TUSHUNTIRISH MUMKIN BO'LGAN SUN'IY INTELLEKT: NEYRON TARMOQLAR</i>	16
Umarova Sevara Ravshanjan's daughter Kholboyeva Dilrozabegim Oral daughter <i>IMPORTANCE OF INFORMATION CONSUMER CULTURE IN MEDICAL FIELD</i>	18
Umarova Sevara Ravshanjon qizi Xalilova Diyora Sobirovna <i>YOSH AVLOD HAMDA YOSH AVLODNI TARBIYALASHDA HADISLARNING O'RNI</i>	23
Dadabayeva Hayotxon Faxridin qizi <i>TURIZMNI MAMLAKAT IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHDAGI O'RNI</i>	27
Файзиева Мохина Камол кизи <i>СПЕЦИФИКА ОБУЧЕНИЯ ДИАЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ</i>	30
Turgunova Shokhsanam Alisherovna Abdullaeva Feruza Suyunovna <i>PROBLEMS OF TRANSLATING TOURISM RELATED VOCABULARY</i>	33
Курбанова Шахноза Иркиновна Тургунова Чарос Аъзамжон кизи Мелибоева Жасмина Икромжон кизи <i>ОПРЕДЕЛЕНИЕ КЛАССОВ УСЛОВИЙ ТРУДА ОСНОВНЫХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ГРУПП РАБОТНИКОВ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ СИНТЕТИЧЕСКИХ МОЮЩИХ СРЕДСТВ</i>	36
Ruziev Farid Ashurovich <i>INHERITANCE OF QUALITATIVE INDICATORS OF GRAIN IN HYBRIDS OF CONVENTIONAL WHEAT</i>	43
Fayzullaeva Gulmira Baxodir qizi Xayitova Gulxayo Rajabovna <i>KONTRASEPSIYANING ZAMONAVIY USULLARI</i>	46
О.Р.Салимов Н.М.Алиева К.Н.Шоахмедова М.У.Очилова <i>БИОЛОГИЯ ПОЛОСТИ РТА, ЕЕ НАРУШЕНИЯ И ОБЩАЯ</i>	53



<i>ХАРАКТЕРИСТИКА ИЗМЕНЕНИЙ СЛИЗИСТОЙ ОБОЛОЧКИ ПОЛОСТИ РТА ПРИ ПУЗЫРЧАТКЕ (ЛИТЕРАТУРНЫЙ ОБЗОР)</i>	
А.А.Косимов М.М.Кулдашева <i>ВОПРОСЫ ХУДОЖЕСТВЕННОСТИ В ФАНТАСТИЧЕСКИХ ПОВЕСТЯХ АЛЕКСАНДРА СВИСТУНОВА</i>	70
Ne'matov Azizbek Tohir o'g'li Qudratov Botir Ismoil o'g'li Ergashev Ozodbek Musurmon o'g'li <i>AMIR TEMURNING DAVLAT BOSHQARUVIDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLARI</i>	75
Kobulova Mahpubahon Yakibovna Qosimjonov Isroiljon Ibrohimjon o'g'li <i>THEORETICAL PRINCIPLES OF STAFF PERSONNEL MANAGEMENT</i>	78
Юлдашева Фароғат Туракуловна <i>ИЗЧИЛЛИК АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</i>	81
Yusupov Alisher Rahimberdiyevich Qohhorov Alisher Abdupatto o'g'li <i>TRANSPORT OQIMINI NORMAL O'TKAZUVCHANLIK XOSSALAR</i>	83
М.Б.Красненкова Р.Р.Жумабаев <i>ВЛИЯНИЕ ГИПЕРТОНИЧЕСКОГО РАСТВОРА НАТРИЯ ХЛОРИДА НА ВНУТРИЧЕРЕПНОЕ ДАВЛЕНИЕ У БОЛЬНЫХ С ЧЕРЕПНО-МОЗГОВОЙ ТРАВМОЙ</i>	88
Sotiboldiyeva Gulcharos Murat kizi <i>LINGUISTIC FEATURES OF SIMULTANEOUS TRANSLATION</i>	99
Кулдашева Санобар <i>ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ВИДЕО, АУДИО ҲАМДА АНИМАЦИЯЛИ ЛАВҲАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ</i>	104
М.Р.Машарипов N.Xalikova <i>MALAKA OSHIRISH VA QAYTA TAYYORLASH TIZIMIDA TINGLOVCHILARNI KOMPYUTER AMALIY DASTURLARDAN FOYDALANIB INNOVATSION FAOLIYATGA YO'NALTIRISH USULLARI</i>	108
Х.М. Эшонкулов Н.Ю.Шарипова <i>КРАТКИЙ ОБЗОР ИССЛЕДОВАНИЙ ОРНИТОЛОГИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКИ В ЛИНГВИСТИКИ</i>	112
Saitov Sirojiddin Xaydarov Bahrom Rayimberdiyev Sahob Sobir o'g'li	116



<i>RAQOBAT VA MONOPOLIYANING MOHIYATI</i>	
Mirzayev Shahzod Xo'rozovich <i>IMOM AL-BUXORIYNING “AL JOME’ AS-SAHIH”NING SHAXS KAMOLOTIDAGI O’RNI</i>	121
И.Э.Хужаназаров Машарипов Шерзод Бегназарович <i>ВОССТАНОВЛЕНИЕ СПОРТИВНОЙ РАБОТОСПОСОБНОСТИ ФУТБОЛИСТОВ НА ЗАВЕРШАЮЩЕМ ЭТАПЕ РЕАБИЛИТАЦИИ</i>	123
Pulatova Kamola Abduvaitovna Primqulova Laylo sobirovna <i>MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR NUTQINI O`STIRISH</i>	130
Egamberdiyeva Nargiza Mo'minovna <i>O`QITUVCHI VA O`QUVCHI O`RTASIDAGI HAMKORLIKNI SHAKLLANTIRISHDA OILA HAMDA JAMOATCHILIKNING O`RNI</i>	135
Нурова Зарина Тураевна <i>МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ УРОК ЧТЕНИЯ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ</i>	138
Хазратова Зулфия Хазратовна <i>УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ КЛАССНЫМ РУКОВОДИТЕЛЕМ И УЧЕНИКОМ</i>	142
Umarova Sevara Ravshanjan's daughter Daughter of Toirova Sevinch Ravshan <i>WHAT DO YOU KNOW ABOUT DIABETES?</i>	146
S.Sharipov V.Kim N.L.Xabilov R.Rashidov O'.Alimov <i>TISH ATROFI TO'QIMA KASALLIKLARIGA CHEKUVCHILARNING TAMAKINI QIZDIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANIB TAMAKINI ISTEMOL QILISHDAGI TA'SIRI</i>	149



ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ВИДЕО, АУДИО ҲАМДА АНИМАЦИЯЛИ ЛАВҲАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Кулдашева Санобар

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети таянч докторанти*

Аннотация: Мақолада умумий ўрта таълимнинг она тили дарсларида аудиовизуал воситалардан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида фикр боради. Видео, овоз ҳамда анимация ҳаракатларининг аҳамияти, педагогик ва психологик томонлари очиб берилган. Методист-олимларнинг қарашлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мультимедиали таълим технологияси, видео, аудио, аудиовизуал, анимация, АКТ.

Она тилини ўқитишда аудиовизуал воситалардан фойдаланиш ўз самарасини кўрсатганлиги сир эмас. Ўқувчи томонидан қабул қилинадиган маълумот эшитиш (фонограмма), кўриш (видеограмма) ҳамда кўриш-эшитиш (видеофонограмма) орқали тақдим этилганда қатор ижобий натижаларга эришилади. А.Щукиннинг фикрича, дарс жараёнида телевидение ва радиода эфирга узатилаётган эшиттириш ва кўрсатувларга уланиш орқали ҳам фойдаланиш яна бир имкониятни юзага келтиради. А.Щукин “Таълимнинг аудиовизуал воситаларидан системали фойдаланиш ўқувчига мотивация берибгина қолмай, тил ўрганишдаги бўшлиқларни тўлдириш учун ҳам хизмат қилиши ҳамда дарснинг барча босқичларида муурожаат қилиш мумкин”[1]лигини таъкидлаб, таълимнинг аудиовизуал воситаларини 3 турга бўлади:

1. Фонограмма – тасмага ёзиб олинган овозлар, радиоэшиттиришлар;
2. Видеограмма – суратлар, слайдлар, диафильм, карта, жадвал ва схемалар;
3. Видеофонограмма – кинофильм, видеофильм, телекўрсатув, компьютер программалари.

Юқорида санаб ўтилган аудиовизуал воситалар асосида мультимедиали таълим вужудга келди. Бундан бир неча аср олдин Фаробий “Намунали таълим” рисоласида “Ақл ўз ҳаракатини аввал сезиладиган нарсаларга, кейин эса ақлга мувофиқ йўсинда, яъни хоссаларни синтез қилишга йўналтириши маъкул” эканлигини таъкидлаган эди. Яъни “ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материални баён қилишнинг иккита турини тавсия этган: уларнинг бири бевосита сезишга яқин нарсаларни олдинги ўринга қўйишдан ва иккинчиси ақлга яқин нарсаларни олға суришдан иборатдир”[2]. Мультимедиали таълимда олдин сезги аъзолари ҳаракатга тушади, кейин ақл қабул қилади, синтезлайди. Эшитиш, кўриш, эшитиш-кўриш аъзолари воситасида қабул қилинган маълумот ўқувчининг онгида тез ўрнашади, синтезланиш жараёни вужудга келади ҳамда узоқ муддатга сақланиши таъминланади. Она тили таълимида



фойдаланиш мумкин бўлган аудиовизуал воситаларнинг ҳар бири ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Видео. Она тили дарсларида видеолавҳалардан фойдаланиш ўқувчиларда нафақат нутқий, балки социолингвистик ва прагматик компетенцияларни шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Видеолавҳалар орқали ўқувчилар луғатини бойитиш, кўрилган лавҳалар асосида фикрларини эркин ва ижодий баён этишга шароит яратилади. Дунёқарашларини кенгайтирилишида ёрдам беради. Х.Мухитдинова ҳар бир видеоматериални тақдим этиш юзасидан махсус методик кўрсатмалар, дарснинг таълимий мақсадига мос келадиган топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди[3]. Видеолавҳа танланганда ўқувчининг ёши, қизиқишлари, психологияси инобатга олиниши билан бир қаторда, унинг тарбиявий аҳамиятига ҳам эътибор қаратилиши керак. Ва яна бир муҳим жиҳати видеога ажратилган вақт масаласини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Ўқувчиларнинг эътибори чалғитувчи лавҳаларга қаратилиб, асосий назарий маълумотлар иккиламчи бўлиб қолмаслиги керак. Машғулот жараёнида аудио-видео материалларга катта вақт ажратиш ўқувчиларни асосий фаолият йўналишидан чалғитиши, уларнинг муҳим бўлмаган қирралар билан кўпроқ банд бўлиб қолишларига сабаб бўлиш хавфини юзага келтиради. Энг ёмони, ўқувчиларнинг диққати бўлиниб, уларда зеркиш ёки чарчоқни ҳосил қилиш эҳтимоли ҳам юзага келади. Аудиовизуал материаллардан ўқувчи тушуниши қийинроқ кечадиган мавзулар ва бўлимларда фойдаланиш самаралидир. Бунда вақт масштабини ўзгартирилиши, тезлаштирилган, секинлаштирилган ҳолатларда тақдим этилишини ҳам инобатга олиш лозим.



Она тили таълимида электрон материаллардан фойдаланишнинг қулайлик томонларидан бири уларда QR-кодлар ўрнатишдир (Қаранг: QR-код). Шунда ўқувчи учун вақт ва шароит масаласи муҳим бўлмайди. Янгиликка интилиш, замонавийлик асосида вазифа ва топшириқларни бажариш ўқувчи учун қизиқарли ва мароқлидир.

Аудио. Она тили таълимида аудиоматериаллардан фойдаланиш ўқувчиларда коммуникативлик компетенцияларини шакллантиришда, тинглаб тушуниш, англаш кўникмаларини ривожлантиришда муҳим восита ҳисобланади. Оғзаки талаффуз ва ёзма нутқни яхшилаш имконини беради. Айниқса, оғзаки нутқнинг тўғрилиги, равонлиги, изчиллиги ва ифодавийлигини таъминлаш; услубий ғалислик, товушларни нотўғри талаффуз қилиш, нутқни шева таъсиридан тозалаш мақсадида аудиоли машқлар яратиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш лозим. Ўқувчи мустақил равишда қайта-қайта эшитади, сўз ва гапларнинг талаффузини машқ қилади. Ҳатто ўз овозини тасмага ёзиб эшитиши, аудиомашқдаги овоз билан солиштиришга ҳам имконият мавжуд бўлади.



Аудиоматериалларни танлаш ва яратишда мавзу, ғоя, ҳажм ва тарбиявийлик аҳамияти эътиборга молик. Аудиодастурлар воситасида яратилган диктант ва баёнлар ҳам самарали натижа бериши ўз исботини топган. Ўтган асрнинг охирларидаёқ Россияда бундай тажрибалар ўтказилган. gramota.ru[4] таълимий сайтида жойлаштирилган “Интерактивный диктант” ўргатувчи дастурини мисол тариқасида айтиш мумкин. Бу интерактив диктантлар Borland Delphi 7.0 дастури Adobe Photoshop CS5 график муҳарририда яратилган бўлиб, on-line услубида ишлайди.

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ташаббуси билан 2019 йилда www.diktant.uz сайти ташкил этилди. Сайтда маҳоратли ижодкорлар томонидан ўқилган диктант намуналари жойлаштирилган. Диктант танловлари ташкил этилганда баҳо натижалари сайтда эълон қилинади. Аммо биз назарда тутган диктант ёзиш жараёнида сўзларни дона-дона талаффуз этиб туриш, баҳолаш жараёнлари ҳам компьютер орқали амалга ошириладиган дастурлар ҳали мавжуд эмас. Аудиодиктантларни iSpring Suit дастурида of-line услубда ҳам яратиш мумкин. Шунда интернетдан фойдаланиш муаммо сифатида кўндаланг бўлмайди. Аудиодиктант ва аудиобаёнларнинг қулайлик томонлари шундаки, саводхонликни олдига мақсад қилган ўқувчи ҳар куни доимий равишда ўз устида ишлаш имкониятига эга бўлади. Баъзан ўқитувчилар нутқида ҳам учрайдиган шевага хос талаффузлар, овоз тембрининг синфхонада тенг тарқалмаслиги, орқа партада ўтирган ўқувчиларга баъзи товушларнинг нотўғри эшитилиб қолиш ҳолатларининг олди олинади. Замонавий муҳитда ўқувчилар кулоқчин, аирподслардан фойдаланса, атрофга чалғимайди, натижада диққати бир жойга жамланади. Кўчирмакашликка йўл қўйилмайди, шаффофлик ва тезкорлик таъминланади. Ўқитувчиларнинг диктант текширишдаги машаққатли меҳнатлари енгиллашади.

Анимация. Анимацияли маълумотларнинг одамга таъсири катта бўлиб, у ўқувчиларнинг диққатини ўзига жалб этиш хусусиятига эга. Мактаб ёшидаги боланинг қизиқишлари, ёши, фикрлаш даражаси ва энг муҳими, уларнинг кундалик ҳаётига мос мавзулар доирасидаги анимацияли филмлардан фойдаланиш ўқувчининг хотирасини ривожлантириш, ҳиссиёт уйғотиш, таълим материалларига қизиқишини орттириш, диққатини барқарорлаштириш каби психологик таъсирларни юзага келтиради. Монитордаги тасвирни кўраётган ҳамда товушни эшитаётганда инсон миясининг иккала ярим шари бир вақтда ишлайди ва объект образи бир вақтда икки томонлама қабул қилинади. Мультимедиа воситалари фикрлаш қобилиятини шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Мультимедиа технологияда матн билан бирга анимация хусусиятлари ҳам оширилиб ўқувчининг фикрлаш салоҳияти ривожлантирилади. Ўқувчининг оғзаки ва ёзма нутқини ошириш учун анимацияли фильмлардан унумли фойдаланиш мумкин. Булар бир кўринишда бола ёшлигидан севиб томоша қиладиган мультипликацион фильмларга ўхшайди. Аммо дарс жараёнида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қисқа метражли анимацияли фильмларни намойиш этиб, ундаги ғоя асосида



оғзаки ва ёзма матн тузиш, мазмунини очиб гапириб бериш, эссе, баён ва иншолар ёзиш билан боғлиқ топшириқлар ишлаб чиқиш мумкин. Ўқувчи шунчаки томоша қилмайди, балки ўйлайди, фикрлайди, баён қилади, хулоса чиқаради. Бугунги шароитда бундай топшириқларга QR-код ўрнатиб китоб ва машқ дафтарларига жойлаштириш имконияти мавжуд. Таълим олувчи турли вазиятларда шахсий гаджетларидан фойдаланиб анимацияли топшириқни кўриш имкониятига эга бўлади.

Таълим жараёнида компьютер технологияларидан, аудиовизуал воситалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг дарслик материалига, умуман, ўқув предметига бўлган қизиқишини орттиради, унинг мазкур жараёнда пассив кузатувчи ролида қолишдан қутқариб, фаол иштирокчига айлантиради, унинг дунёқарашидаги ижобий ўзгаришларга муносиб омил бўлади, интеллектуал интилиш ва қобилиятини кучайтиради, янги ахборотни излаш ва улардан унумли фойдаланишга рағбат уйғотади. Жараён бутун синф ўқувчилари иштирокида бўлаётгани учун уларда қиёслаш, солиштириш, фарқлаш, тасниф қилиш ва тизимлаштириш билан алоқадор бўлган кўникма ва малакаларининг шаклланиши ҳамда ривожланишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Щукин А.Н. Методика преподавания русского языка как иностранного. Учебное пособие. Москва. “Высшая школа” 2003 г. С.229.
2. Мавлонова Р., Тўраева О., Холикбердиев К. Педагогика: олий ўқув юр்தларининг бошланғич таълим методикаси факультетларининг талабалари, педагогика лицейлари ва коллежларининг ўқувчилари учун дарслик. – Т.: “Ўқитувчи” 2001. – 512 б.
3. Muxitdinova X. Til ta'limida videomateriallar qanday uyg'unlashadi? Til va adabiyot ta'limi. – 2015. 8-son. – 15-16-bet.
4. <https://www.gramota.ru/class/coach/idictation>
5. Гарцов А.Д. Электронная лингводидактика в системе инновационного языкового образования. Дисс. на соискание уч. степени кандидата педагогических наук. Москва – 2009. С.398.

